

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ТАБИИЙ ФАНЛАР ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ

ЮСУПОВ НОДИРБЕКНИ

БИОЛОГИЯ ФАНИ БЎЙИЧА

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

Андижон – 2006 йил

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

“Тасдиқлайман”
Илмий ва ўқув-услубий
ишлар бўйича проректори
_____ О.Жабборов
“___” _____ 2006 йил

Маъруза матни табиий фанлар таълими кафедрасининг
2006 йил _____ кунги йиғилишида муҳокама қилинди ва
фойдаланишга рухсат берилди

Кафедра мудири:

М.Топволдиева

Маърузачи:

Н.Юсупов

Биология фанидан давлат талаблари.

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз Таълим тизимини жорий этиш тўғрисида» ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимнинг ташкил этиш тўғрисида»ги қарорларни билиши;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат Умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармонини билиши ва уни амалиётга татбиқ этиши;
3. Президент фармонидан келиб чиқиб, мактабларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоб-жиҳозлари, компьютер техникаси, янги биология дарсликлари ва ўқув услубий материаллари билан таъминланишини билиши ва уни ҳаётга жорий этиш;
4. Биология фанидан янги таҳрирдаги Давлат таълим стандарти, ўқув дастури ва мавзуий режалаштиришни ўқув жараёнига татбиқ этиш;
5. Ўқув жараёнини ташкил этиш ўқувчилар билимини таҳлил қила олиш малакасига эга бўлиши;
6. Биологияни ўқитишда фойдаланиладиган хар-хил техник воситалар (микроскоплар, проекцион аппаратлар, компьютерлар, ўқув асбоблари) ва дидактик материаллардан ҳамда кўргазмалар куроллардан фойдаланиб, ўқув машғулотларини маҳорат билан ўтказиш тажрибасига эга бўлиши;
7. Биология ўқув фанидан янги дарсликлар, ўқув методик адабиётларни мазмуни билан таниш бўлиши ва уларни таҳлил қилиши ҳамда таълим жараёнида улардан мунтазам фойдалана олиши;
8. Биологиядан замонавий педагогик технологиялар, ўқувчилар билимини фаоллаштирувчи воситаларни билиши ўқув машғулотларида улардан фойдаланиш малакасига эга бўлиши;
9. Ўқувчилар билимини назорат қилиш усуллари билиши, таҳлил қила олиши ва баҳолаш кўникма малакасига эга бўлиши;
10. Ўқувчиларнинг мустақил билим олишини ташкил қилиш ва услубий таъминлаш воситаларини билиши;
11. Биология ва бошқа табиий фанлар соҳасида Ўрта Осиё мутафаккирларининг маърифий меросларини билиши ва таълим тарбия жараёнида улардан фойдаланиш малакасига эга бўлиш;
12. Биологик таълим-тарбия соҳасидаги илғор иш тажрибаларини билиши ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш малакасига эга бўлиш;
13. Биология ўқув фани бўйича дарсдан, синфдан ва мактабдан ташқари бажариладиган таълим-тарбия ишларини ташкил этиш усуллари билиши ва уни амалиётга татбиқ этиши;
14. Биология соҳасидаги янгиликлар, илмий изланишлар ва муаммолар ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши;
15. Умумий ўрта таълим мактабларида биологияга оид илмий услубий ва тажриба –синов ишларини олиб бориш тартиби ва қоидаларини билиши;
16. Биология дарсларини кузатиш ва таҳлил қилиш малакасига эга бўлиши;
17. Биология йўналишида умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни касбга йўллаш ишларини олиб бора олиши;
18. Биология йўналишидаги мактаб ва синфларда таълим-тарбияни талаблари, мазмуни ва уни ташкил этишни шакл усуллари билиши;
19. Биологиядан билим савияси ва педагогик маҳоратини мустақил ошириш йўли ва усуллари эгаллаган бўлиши лозим;
20. Жорий йилда Президент томонидан чиқариладиган фармонларни биология фанини ўқитишда қўллаш олиши;

Адабиётлар

1. Каримов И.А. «Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Тошкент : «Шарқ »,1997 йил.
2. «Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти ва ўқув дастури» «Таълим тараққиёти», 3- махсус сон. Тошкент: «Шарқ» 1999 йил.
3. «Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартлари» Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус касб-хунар таълими маркази. Тошкент, 2000 йил.
4. «Олий таълимнинг биология фани йўналиши бўйича давлат таълим стандарти». Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли Қарори.
5. «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим мактабларининг синф раҳбарлари тўғрисида» Низом. ХТВ нинг 2001 йил 9 ноябридаги 163-сонли буйруғи.
6. «Биология фанидан янги таҳрирдаги давлат таълим стандарти, ўқув дастури ва мавзуий режалаштириш». Тошкент 2004 йил.
7. Ғофуров А. ва бошқалар «Умумий биология» 11-синф дарслиги. «Шарқ» Тошкент 2004.
8. Пратов Ў, Тўхтаев А, Азимова Ф «Ботаника» 5-синф дарслиги. «Ўзбекистон» Тошкент 2003 йил.
9. Пратов Ў ва бошқалар 6-синф «Ботаника» дарслиги «Ўзбекистон» 2003 йил
10. Мавлонов О.М. «Зоология» 7-синф дарслиги «Ибн Сино » Тиббиёт нашриёти Тошкент 2004 йил.
11. Мавлонов О.М, Толипова Ж «Зоология ўқитиш методикаси" «Ўқитувчи» Тошкент 2004 йил.
12. Мавлонов О.М «Одам ва унинг саломатлиги» 8-синф учун дарслик «Адолат » Тошкент 2003 йил.
13. Толипова Ж, Ғофуров А « Умумий биологияни ўқитиш методикаси » 10-синф «Шарқ» Тошкент 2004 йил.
14. Толипова Ж, Ғофуров А «Умумий биологияни ўқитиш методикаси » 11-синф «Шарқ» Тошкент 2004 йил.
15. Зикиряев А, Тўхтаев А, Азимов И, Сонин «Цитология ва генетика асослари». 9-синф ўқувчилари учун дарслик Тошкент. «Ибн Сино» 2002 йил.
16. Тўракулов Е, Мусаев Ж, Абдукаримов А, Ҳамидов Ж, Тошмухамедов Б, Ғофуров А «Умумий биология» 10- синф ўқувчилари учун дарслик Тошкент 2003 йил «Шарқ » нашриёти.
17. Ғофуров А, Ҳамидов Ж, Нишонбоев К, Тошмухамедов Б, Абдукаримов А Биология «Эволюция ва экология асослари» Академик лицей, касб-хунар коллежи ўқувчилари учун дарслик, Тошкент «Шарқ» 2003 йил.
18. Агзамов А, Юсупов А «Ўқувчиларга билим беришда инновацион усуллардан фойдаланиш». Тошкент 2003 йил.
19. Толипова Ж, Ғофуров А «Биология таълим технологиялари». Тошкент «Ўқитувчи» 2002 йил.
20. Йўлдошев Ж.Ғ «Малака ошириш таълим тарбия омили» Тошкент «Ўқитувчи » 1993 йил
21. Исроилова Б «Биологиядан лаборатория машғулоти» Тошкент 2002 йил. «Ўқитувчи».
22. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
23. Таълим тўғрисидаги қонун

Мавзу: Биология ўқув фанидан янги таҳрирдаги ДТС, унинг мазмуни ва моҳияти.

Режа.

1. Стандарт деган атаманинг луғовий маъноси

2. 1999 йилдаги биология ўқув фанидан тузилган давлат таълим стандартининг мазмуни ва моҳияти.

3. Биология ўқув фани бўйича янги таҳрирдаги давлат таълим стандартининг тузилиши ва мазмуни.

Керакли жиҳозлар

Янги таҳрирдаги умумий ўрта таълим Давлат таълим стандарти.

Маърузанинг қисқача мазмуни

1. Стандарт сўзи инглизча стандарт сўзидан олинган бўлиб, нусха, намуна, ўлчов деган маънони билдиради. Биология таълим стандарти бу ўқувчиларга бериладиган биологик билим, кўникма намунаси, ўлчовидир.

2. 1998 йили Республикамизда бошқа ўқув фанлар қаторида биология бўйича 5-9 синф ўқувчилари учун биология таълим стандарти яратилди. У бир ўқув йили мобайнида экспериментар майдончасида синовдан ўтказилди ва таълим тараққиёти журналининг 1999 йил 3 сонида нашр эттирилиб, барча мактабларга юборилди. Маскур стандартда биология таълимининг мақсади ва вазифалари ёритилиб унда биология таълим мазмуни уч йўналишда:

1. Организм биологик система;

2. Экологик системалар;

3. Органик олам эволюция йўналишда берилганлиги қайд қилинган.

Биологик таълим мазмуни уч йўналишда берилганлигига сабаб:

1. XX асрнинг 80-90 йилларига келиб ҳаётнинг тузилиш даражалари: молекула, хужайра, организм, популяция-тур, биоценоз, биогеоценоз, биосферадан иборат эканлиги аён бўлди. Ана шу системада организм марказий ўринни эгаллайди. Чунки молекула, хужайра таркибига, хужайра эса организм таркибига киради. Организмнинг ўзи популяция-тур, биоценоз, биогеоценоз, биосфера таркибига киради. Организм умумлашган тушунча бўлиб у микроорганизм, бир хужайрали, кўп хужайрали ўсимлик, замбуруғ, ҳайвон, одам шаклида намоён бўлгани учун таълим мазмунида у «организм биологик система» тарзида ёритилган.

2. Кейинги йилларда аҳоли сони ортиши транспорт воситалари, одамзоддан чиққан чиқиндиларни кўпайишига олиб келди. Саноат марказлари, транспорт воситалари ва инсонлар фаолияти туфайли сув, тупроқ, ҳаво ифлослантиришини кучаймоқда. Натижада бутун дунёда экологик инқироз юзага келди. У фақат ўсимликлар, ҳайвонлар, микроорганизмлар ҳаётига эмас балки, одамзод ҳаётига ҳам хавф солмоқда. Бу эса барча жамият аъзоларини экологик билимлар билан қуроллантиришни тақоза этади. Шундагина жамият аъзолари шу билан бир қаторда ўқувчилар экологик билимлардан хабардор атрофлама хабардор бўлиши ва табиатга зиён етказмасликлари мумкин. Экология ҳозирги вақтда организм ва унинг атрофидаги муҳитнинг ўзаро таъсири тушунчасидан чиқиб кетган. Унинг аутэкология, синэкология, популяциялар экологияси, ижтимоий экология каби соҳалари мавжуд. Шуни эътиборга олиб биология таълим стандартида «экологик системалар» йўналиши берилган.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинганлиги ва диний эътиқодига эркинлик берилиши муносабати билан фақат катталар эмас, балки ёшлар орасида динга эътиқод қилиш кучайиб бормоқда. Натижада айрим ота-оналар фарзандларини диний мактабларга бериш ҳоллари кузатилмоқда. Диннинг тарбиявий аҳамиятини эътироф қилган ҳолда биз жамиятнинг ривожланиши илмий билимларга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

Жамият ривожланган сингари табиат, хусусан органик олам доимо ривожланишда. Шунинг назарда тутган холда биологик таълим стандартида, органик олам эволюцияси алоҳида йўналиш сифатида берилди. Бу билан органик олам табиий йўл билан пайдо бўлганлиги у доимо ўзгаришда ва ривожланиши эканлигидан ҳар бир мактаб ўқувчиси ҳабардор бўлиш лозимлиги кўзда тутилди.

3. Олдинги биологик таълим стандартидан фарқли равишда 2004 йилда нашр қилинган «Янги таҳрирдаги биология давлат таълим стандартида» таълим мазмуни илгаридек йўналишлар бўйича эмас, балки синфлар бўйича берилди.

Янги таҳрирдаги биология давлат таълим стандартининг бош қисмида биология ўқув фани бўйича ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар, кўникма ва малакалар ёритилган. Шундан кейин биология таълимини мақсад ва вазифалари, синфлар бўйича таълим мазмуни, ўқувчилар билими кўникма ва малакасига бўлган асосий талаблар кўрсатилган. Биология таълим стандартини бундай тузилиши бизнинг фикримизча уни ҳаётга татбиқ этилиши осонлаштиради ва конкретлаштиради. Биология ўқитувчиси олдида турган асосий вазифа ҳар бир синф учун ажратилган билимлар, кўникма, малакалар мажмуасини яхши ўзлаштира олиш, таълим-тарбия жараёнига унга риоя қилиш ва ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Биология таълими бўйича Давлат таълим стандарти.
«Таълим тараққиёти» журнали 1999 йил 3 маҳсус сони.
Шарқ нашриёти матбуа концерни 1999 йил 3 маҳсус сон.
2. Биология фанидан янги таҳрирдаги Давлат таълим стандарти ўқув дастури ва мавзуи режалаштириш. Тошкент 2004 йил.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
4. Таълим тўғрисидаги қонун

Мавзу: Биологиядан нашр этилган янги тахрирдаги ДТС асосида яратилган ўқув дастури, дарсликлар, ўқув методик қўлланмалар. Уларнинг олдингиларидан фарқлари.

Режа:

1. Янги тахрирдаги биология ўқув дастури.
2. Биология ўқув фанидан янги дарсликлар.
3. Биологиядан янги ўқув методик қўлланмалар.
4. Дарсликларни олдинги дарсликлардан фарқлари.

Жиҳозлар

Такимиллаштирилган янги тахрирдаги биология ўқув дастури, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар.

Маърузани қисқача мазмуни.

1. 2004 йил нашр қилинган биология ўқув дастури тузилиши ва мазмуни билан 1999 йилдаги ўқув дастурига деярли ўхшаш. Уларнинг ҳар иккисиди ўқитиш хати, биологияни ўқитишга оид методик тавсиялар, ботаника, зоология, одам ва унинг саломатлиги, ниҳоят 9 синф биология ўқув фанининг мазмуни, унинг асосий мавзулари, уларни ўқиш учун ажратилган соатлар, зарур жиҳозларар, лаборатория машғулоти, экскурсиялар, фанлараро боғланишлар ва ниҳоят ҳар бир ўқув фани бўйича ўқувчиларнинг билими, малакасига қўйилган талаблар берилган. Ўқитувчиларнинг билим савияси, педагогик маҳорати ошириш учун ботаника, зоология, одам ва унинг саломатлиги, биология ўқув фанларини ўқитишга оид алоҳида-алоҳида адабиётлар рўйхати ёритилган.

1999 йилда нашр этилган биология ўқув дастурида ботаникани 5-6 синфда 88 соат, зоологияни ўқитиш 6-7 синфда 82 соат ҳажмида ўқитиш кўзда тутилган эди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими Вазирлигининг буйруғига биноан эндиликда ботаника 5 синфда 34 соат, 6-синфда 68 соат ҳажмида ўқитилади зоология эса фақат 7-синфда 68 соат ҳажмида ўқитилади ўқитилади. Бинобарин ботаника илгаригидек 88 соат эмас 102 соат, зоология 82 соат эмас 68 соат ҳажмида ўқитилади. Ботаникани ўқитишга соатлар кўпайтирилганлиги туфайли унга бир қанча Янги мавзулар киритилган. Зоологияга ажартилган соатлар камайтирилганлиги сабабли ҳар бир мавзунини ўқиш учун соатлар бир мунча камайтирилди. (1-жадвалга қаралсин).

1999 ва 2004 йилдаги ўқув дастурида биология ва зоология асосий мавзуларини ўқиш учун ажратилган соатларнинг қиёсий таҳлили

Ботаника 102 соат

Асосий мавзулар	1999	2004
Кириш	1	1
Ўзбекистонда ботаника фанини ривожланиши	2	1
Гули ўсимликлар билан умумий танишув	2	3
Хужайра	7	7
Илдиз	7	6
Поя	8	7
Барг	7	7
Ўсимликларни вегетатив кўпайиши	2	2
Кириш		1
Гул	8	6
Мева ва уруғлар	6	8

Ўсимлик яшил организм	2	2
Ўсимликлар систематикаси	17	39
Гули ўсимликларнинг жами бўлимлари	9	3
Ерда ўсимликлар дунёсини ривожланиши	2	2
Ўсимликлар қоплами	5	3
Манзарали ўсимликлар	3	3
Жами	88	102
Зоология		
Ҳайвонот дунёси тўғрисида умумий маълумот	2	2
Бир хужайралилар- содда ҳайвонлар	4	4
Мушуклилар типии	3	2
Ясси чувалчанглар типии	3	2
Тўғарак чувалчанглар типии	2	3
Ҳалқали чувалчанглар типии	3	3
Малюскалар типии	2	2
Бўғим оёқлилар типии	1	14
Ҳўрдалилар ҳақида умумий маълумот	1	1
Баликлар	8	7
Сув ва курукликда яшовчилар синфи	3	3
Судралиб юрувчилар синфи	4	3
Қушлар синфи	13	10
Сут эмизувчилар синфи	16	11
Умумлаштирувчи дарс	2	-
Ҳайвонот дунёси эволюциясининг асосий босқичлари		2
Жами	82	68

Ботаника ўқув дастурдаги илгари 6-синфда ўтиладиган «Ўзбекистонда ботаника фанини ривожлантириш тарихи» 5-синфга кўчирилди 6-синфдаги ўсимликлар систематикасига, «Бактериялар, замбуруғлар, лишайниклар» мавзуси 3 соат ҳажмида киритилди.

1999 йилдан кейин нашр қилинган дарсликлар, ўқув-методик адабиётлар, 2004 йилдаги ўқув дастурида берилди.

Одам ва унинг саломатлиги, ўсимликлар ўқув фанларини мазмуни ва тузилиши деярли ўзгармаган ҳолда қолди

2.Биология ўқув фанидан нашр қилинган дарсликлар

Жиҳозлар

- 5,6,7,8,9,синфлари учун янги «Биология» дарсликлари

Маърузанинг қисқача мазмуни

Биология фанидан янги тахрирдаги ДТС, ўқув дастури талаблари асосида барча дарслик муаллифлари ўз дарсликларига тегишли ўзгартиришлар киритдилар ҳамда фаннинг сўнгги ютуқлари билан уларнинг мазмунларини бойитдилар.

Ўқув дастури талаблар аслида ботаника бўйича 5-6 синфлар учун алоҳида-алоҳида дарсликлар яратилди.

5-синф ботаника дарслиги (муаллифлари Ў.Пратов, А.Тўхтаев, Ф.Азимова) 32 § иборат бўлиб 64 рангли расмлар билан безатилган. Ўқувчиларни ботаникани ўргатишга бўлган қизиқишини ортириши мақсадида дарсликда 11-кроссворд, 7 та топишмоқ берилган. Хар бир параграф сўнгида таянч сўзлар ажратиб кўрсатилган. Айрим параграфларда мақоллардан, топишмоқлардан, қўшимча маълумотлардан унумли

фойдаланилган. Бироқ дарсликда лаборатория машғулоти, экскурсияларни ўтказиш етарли даражада ёритилмаган.

6-синф ботаника дарслигида муаллифлари ҳам Ў.Пратов, А.Тўхтаев, Ф.Азимовалардур. Мазкур дарслик 52-параграфдан иборат. Унинг 13-параграфи ўсимликлар анатомияси, морфологиясига. 31 таси систематикага қолган параграфлар ўсимликлар экологияси ва эволюциясига тегишлидир. 6-синф ботаника дарслиги худди 5-синф ботаника дарслигига ўхшаш сифатли қоғозда, рангли расмлар билан нашр қилинган. Ҳар бир параграфда таянч сўзлар ажратиб кўрсатилган. Параграфлар сўнгида саволлар, айрим ҳолатларда тест топшириқлари, табиатга уюштирилдиган экскурсиялар ҳамда амалий ишлар берилган.

Дарсликдаги энг катта камчилик бактериялар, замбуруғлар, лишайниклар дарсликка киритилганлигидур. Органик оламнинг систематикаси кўра бактериялар, замбуруғлар алоҳида-алоҳида дунё ҳисобланади, чунки уларнинг ҳар бирининг тузилиши, ҳаёт кечириши тарзи яшил ўсимликлардан кескин тафовут қилади. Шунга кўра 6 синф дарслигидан «бактериялар, замбуруғлар, лишайниклар» бўлими олиб ташланиши керак 6-синф дарслиги ёки унинг номи «ботаника» эмас балки «биология» деб ўзгартирилиши лозим. Ҳар бир дарслик фаннинг сўнгги ютуқлари асосида яратилиши керак. Чамаси дарслик муаллифлари ана шу қоидага етарлича эътибор қилмаган бўлсалар керак.

2004 йили О.М.Мавлоновнинг «зоология» дарслиги нашр қилинди. Янги ўқув дастури талабларига мувофиқ унинг мазмуни, бир неча параграфлар қисқартирилган. Агар олдинги дарсликда 84 та параграф бўлса янги дарсликда у 60§ келтирилган. Дарслик 130 рангли расмлар билан безатилган. Дарсликнинг ютуқларидан бири лаборатория машғулоти вақтида ўтказиш методикаси етарлича ёритилган. Дарсликда ҳайвонларга оид 66 топишмоқ берилган. Ўқув материаллар зоологияда қабул қилинган эволюцион принцип асосида, яъни бир хужайрали ҳайвон вакилларида аста-секин приматлар туркумигача бўлган ҳайвонлар жойлаштирилган. Дарсликда жузъий камчиликларга йўл қўйилган. Чунинчи 128 расмда Ўзбекистон республикасида боқилмайдиган қорамол зотлари келтирилган. Улар қора-ола зотлар билан алмаштирилиши керак.

204 бетда маймунлар гала бўлиб яшайди деб кўрсатилган, гала сўзини ўрнига тўда дейилиши керак эди.

208 бетда қўйлар ёввойи қўй муфландан келиб чиққан дейилган. Қўйларни келиб чиқиши полифилитик улар бир ёввойи аجدоддан эмас балки архар, аргали ва муфландан келиб чиққанлиги кўпчилик томонидан эътироф қилинади. 180 бетда юнг тангачаларидан келиб чиққан деган ибора ишлатилган, бу нотўғри. А.Н.Северцовнинг филэмбриогенез назариясига мувофиқ тангачалар девиация юнлар эса архаллакисис йўналишда ривожланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ботаника дарслигида ҳам зоология дарслигида ҳам Республикамизда шу фанларга ҳисса қўшган олимларни татқиқот натижалари ёритилган. Бундан ташқари ботаника, зоологияга оид билимлар кўпроқ маҳаллий шароитда кенг тарқалган ўсимлик, ҳайвонлар мисолида тушинтирилган. Бу ҳолат ўқувчилар онгида миллий истиқлол ғоясини сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

2004 йилдан бошлаб одам ва унинг саломатлиги ўқув фанлари бўйича профессор Б.Аминов, профессор Т.Тиловлар дарслиги билан бир қаторда профессор О.Мавлоновнинг ҳам дарслиги нашр қилинди. Ҳар икки дарслик янги таҳрирдаги ўқув дастури асосида ёзилган. Профессор Б.Аминов, Т.Тиловлар дарслиги 59 параграфдан ташкил топган. Дарсликда 84 та рангли расм бор. Агар эски дарслик кўпайиши ва ривожланиши боби билан тугалланса янги дарсликда одамни пайдо бўлиши мавзусида алоҳида боб сифатида ёритилган. Дарсликда 12 лаборатория машғулоти ўтказиш кўзда тутилган. Ботаника, зоология дарсликларида фарқли равишда Б.Аминов ва Т.Тиловлар дарслиги ҳар бир параграфидан кейин билимни текшириш учун фақат саволлар берилган ҳолос. Ўқувчиларни мустақил билим олиши, уларни фан асосларини ўрганишга бўлган қизиқишларини орттириш масаласи муаллифлар эътиборидан четда қолган. Профессор

О.Мавлоновнинг «Одам ва унинг саломатлиги» дарслиги 56 параграфдан иборат. Унда ҳам қўлланиб келинаётган дарсликка ўхшаш «Одам организм и ҳақида умумий тушунча,» «таянч ҳаракатланиш системаси», «қон », «қон айланиш системаси», «нафас олиш», «овқат ҳазм қилиш», «моддалар ва энергия алмашинуви», «нерв системаси», «сезги органлари» каби бўлимлар бор. Бироқ ички секция безлари алоҳида берилмаган. «Одамни пайдо бўлиши бўлими» ўрнига берилган, «Одамнинг биологик ва ижтимоий» табиати берилган. Кейинги дарсликда еттинчи лаборатория машғулоти берилган Профессор Б.Аминов Т.Тилововлар дарслигида лаборатория машғулотида тубандаги мавзуларга бағишлов биология тириклик, ҳаёт ҳақидаги факт шунга кўра одам ва уни саломатлиги ўқув фанидаги лаборатория машғулотида одам организмидаги айрим қисмлари тузилиши организмни ҳаёт фаолиятини ўрганишга бағишлаши керак. Шу нуқтаи назардан олганда итда овқатланишга бўлган шартли рефлекс ҳосил бўлиши ва тарқалиши ўрганиш ёки марказий нерв системасини тузилишини ўрганиш каби мавзулар талабга жавоб бермайди. 2002 йил 9-синфлар учун А.Зикиряев, А.Тўхтаев, И.Азимов, Н.Самонинг ҳамкорлигида биология дарслиги (цитология ва генетика асосида) нашр қилиш 14 боб 49 параграфдан иборат. У 7 нда 75 та рангли расм бор. Дарсликдаги боблар ва мавзулар илмий иш монографик талаблар асосида тузилган. Айрим боблар 1 та 2 та параграфлардан тузилган. Мазкур дарслик 45 тузилиш билан зоология, одам ва уни саломатлиги дарслигини биринчи нашрини эслатади. Ўрта мактаб дарслигини шунчалик кўп боблар ажратиш жоиз эмас. У чуқур дастур талаблари даражасида эмас. Дарсликни биринчи нашри жуда кўп илмий ва методик камчиликларга йўл қўйилган. Дарсликнинг 2 нашрида йўл қўйилган камчиликлар тузатилган. Лекин ҳаммаси эмас. Айрим параграфлар жуда қисқа (6.2, 6.3, 6.4, 6.5, 6.6., 7.4, 7.6, 11.1,) дарсликдаги илмий методик камчиликларни бартараф этиш учун ва жуда юзаки қисқа ёритилган. Ўқув материаллар бир мунча кенгайтирилган ва илмий жиҳатдан тўғри ёритиш мқсадида 10-синфлар учун умумий биология дарслиги 2003 йил ёзилди ва нашр қилинди. Мазкур дарслик кўп ўқитувчилар қуйидагидек 9 синф биология дарслигини такрорлаш эмас, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш учун уни айрим мавзуларини тўлдириш ва бирмунча кенгайтиришга қаратилган. Мисоллар келтирамиз. 9 синф дарслиги 12 бетидаги вируслар тирик организм ҳаёти деган жумлани сўнг «ҳаётий хужайра шакллари» деган сўровнома вируслар тузилиши берилади. Ёки 15 бет «ирсий белгилар нуклаиларда жамлашга 49 бетдаги хлорапластлар-яшил пигментлар» 94 бетдаги, кўп хужайрали организмларни тузилишида қатъий назар эмбрион ривожланиши босқичлари бир хил деган иборалар бунга яқка мисолдир. Шунга ўхшаш илмий камчиликлар яна кўпроқ учраши мумкин. 10-синф умумий биология дарслиги 9-синф биология дарслигидаги илмий-методик камчиликларни бартараф этиш. 2009 йилгача мактабларда 10-11 синфлар бўлишини эътиборга олган ҳолда 10-синф учун эмас 11-синф ўқувчилари учун ҳам умумий биология дарслиги 2004 йил нашр қилинди. У кўп жиҳатдан мазмуни, академик лицей касб-хунар коллеж учун яратилган биология дарслиги яқин, уларни ҳар иккиси ҳам «Эволюция ва экология деб аталиб» уларда эволюцион таълимот, «Эволюция далиллари, ерда ҳаётнинг пайдо бўлишига ва тарихий ривожланиши», «Экология асослари» биосфера ва унинг эволюцион каби бўлимлари бор. Ўрта махсус касб-хунар коллежи дарслигида соатлар 11-синфдаги соатларга нисбатан кўп бўлганлиги сабаби, генетик инженерия ва биотехнологиялар уларни дарсларда ўқиб олган мактаблар эса у 10-синфда берилган 10-синф дарслиги 32 параграфдан ташкил топган. 11-синф умумий биология дарслигида эса 61 параграф бор. 1 дарсликда 63, 2 дарсликда эса 67 ранги расм берилган. Ҳар икки синф умумий биология дарслигида параграфлар тест топшириқлари боб охирида атамалар луғати ўрни берилган. Таянч тушунчалар ажратилган ҳолда берилган буларнинг ҳаммаси ўқувчилар томонидан ўқув материални ўзлаштиришга ёрдам беради. Шундай қилиб ҳозирги вақтда янги тахрирдаги ўқув дастурлари янги дарсликлар ўзбек тилида нашр қилинди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004-йил 21-майдаги ПФ-3431-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 9-июлдаги 321-сонли қарори.
4. Халқ таълими вазирлиги Ҳайъат мажлисининг “Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйилган давлат талабларининг бажарилиши аҳволи ва истиқболи ҳақида”ги 2004-йил 10-октябрдаги 12/1-рақамли қарори.
5. А.Авлоний номидаги ХТРХМОМИ нинг 2004-йил 3-августдаги илмий кенгаши тавсиялари.
6. Ўзбекистон Республикаси ХТВ нинг 2002-йил 26-апрелдаги 70-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси ХТВ нинг 2005-йил 23-февралдаги 2/1-ХБ-сонли буйруқлари.
7. Ўзбекистон Республикаси ХТВ нинг 2005-йил 10-ноябрдаги 35-сонли Ҳайъат қарори.
8. А.Авлоний номидаги ХТРХМОМИ нинг тақвимий-мавзуий режа ва ўқув дастурлари бўйича Ахборотноманинг махсус сонлари (1-4 қисмлар).
9. А.Авлоний номидаги ХТРХМОМИ нинг 2005 йил 30 декабрдаги 01/9-326-сонли хати ва тавсияномаси.
10. ХТВнинг 2006 йил 7 июндаги 149-сонли “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи.
11. У.Пратов, А.Тўхтаев, Ф.Азимова «Ботаника» 5-синф дарслиги. Тошкент Ўзбекистон 2003
12. У.Пратов, А.Тўхтаев, Ф.Азимова «Ботаника» 6-синф дарслиги. Тошкент Ўзбекистон 2003
13. О.Мавлонов «Зоология» 7-синф Ибн Сино нашриёти Тошкент 2004
14. Б.Аминов, Т.Тилолов «Одам ва унинг саломатлиги». 8-синф дарслиги Ўқитувчи Тошкент 2003
15. О.Мавлонов «Одам ва унинг саломатлиги». 8-синф дарслиги Т.Адолат 2003
16. А.Зикиряев, Л.Тўхтаев, И.Азимова, И.Сонинг «Биология, цитология ва генетика асослари». 9-синф дарслиги Тошкент 2002-2004 Ибн Сино нашриёти.